

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОДЖАЕВА ДИЛРУХ ИЛХОМОВНА

КЎКРАК БЕЗИ САРАТОННИ РАДИКАЛ ДАВОЛАШДАН ВА
ЖИСМОНИЙ ТЕРАПИЯ ҚЎЛЛАНГАНДАН СЎНГ АЁЛЛАР
ТАНАСИНИНГ АНТРОПОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

14.00.02 – Морфология
14.00.12 -Тиббий реабилитология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ходжаева Дилрух Илхомовна

Кўкрак беги саратонини радикал даволашдан
ва жисмоний терапия қўллангандан сўнг аёллар
танасининг антропометрик кўрсаткичлари..... 3

Ходжаева Дилрух Илхомовна

Антропометрические показатели туловища
женщин после радикального лечения рака
молочной железы и после коррекции путём ЛФК..... 25

Khodjaeva Dilrukh Ilkhomovna

Anthropometric indicators of the torso
of women after radical treatment of breast
cancer and after correction by physical therapy..... 47

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
Lists of published works..... 52

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОДЖАЕВА ДИЛРУХ ИЛХОМОВНА

КЎКРАК БЕЗИ САРАТОННИ РАДИКАЛ ДАВОЛАШДАН ВА
ЖИСМОНИЙ ТЕРАПИЯ ҚўЛЛАНГАНДАН СўНГ АЁЛЛАР
ТАНАСИНИНГ АНТРОПОМЕТРИК КўРСАТКИЧЛАРИ

14.00.02 – Морфология
14.00.12 -Тиббий реабилитология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Tib1130 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ахмедова Сайёра Мухамадовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Саидов Махсуд Арифович
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Хамидова Фарида Муиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Мавлянов Зафар Искандарович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Абуали ибни Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети (Тожикистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 10-ўқув биноси, 1-қават. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй; Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел./факс: (99871) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Дж. Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сут беzi саратони бутун дунё бўйлаб аёллар орасида энг кенг тарқалган саратон турларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, 2020 йилда кўкрак беzi саратони энг кўп аниқланган саратон бўлиб, бутун дунё бўйлаб 2,3 миллиондан ортиқ аёлларни қамраб олган, бу барча саратон ҳолатларининг тахминан 11,7% ни ташкил қилади. Муаллифлар таъкидлашича «...сўнгги йилларда бутун дунёда, жумладан, Ўзбекистон Республикасида сут беzi саратони касалланишнинг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда...»¹. Мастэктомия, нур терапияси ва кимётерапияни ўз ичига олган радикал даволаш беморларнинг омон қолишини сезиларли даражада яхшилади, аммо у кўпинча тананинг антропометрик ўзгаришларини ўз ичига олган узок муддатли жисмоний ва функционал оқибатлар билан бирга келади. Қоматнинг бузилиши, кўкрак қафаси ва елка камари ҳажми ва шаклининг ўзгариши каби антропометрик ўзгаришлар сут безини олиб ташлаш ва кейинги операциялар натижасида юзага келади. Ушбу ўзгаришлар беморларнинг ҳаёт сифати, психоэмотсионал ҳолати ва жисмоний фаоллигига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Шу муносабат билан, антропометрик ўзгаришларни тузатиш ва уларни реабилитация қилиш соҳасидаги тадқиқотлар, айниқса, даволовчи жисмоний тарбия (ДЖТ) дан фойдаланган ҳолда, долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда аёллар орасида сут беzi раки касалликларини олдини олиш, уни эрта аниқлаш, олдини олиш, асоратларини баҳолаш, эрта ташхисни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада сут беzi саратонини радикал даволашдан ўтган аёлларнинг 40% гача асимметрия, елка камари ҳаракатчанлигининг чекланиши ва қоматнинг бузилиши каби тана антропометриясида бузилишларни олдини олиш, мастэктомия кейин ДЖТ жисмоний кўрсаткичларнинг сезиларли даражада яхшиланишига ва антропометрик бузилишларнинг камайишига қаратилган тадқиқотлар алоҳида илмий ва амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, аҳоли орасида онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларни олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда радикал даволашдан сўнг реабилитацияда ДЖТдан фойдаланиш

¹ Поташкина А.С., Жевлаков А.А. Сут беzi саратони бўйича скрининг ўтказилиши ва натижалари // Истикболли илмий тадқиқотлар: тажриба, муаммолар ва ривожланиш истикболлари. - 2023. - 34-40-бетлар.

беморларнинг жисмоний ҳолатини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган тиббий ёрдам самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сут беши саратонини радикал даволашдан сўнг аёлларда антропометрик ўзгаришлар муаммоси тиббий тадқиқотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Кўпинча мастэктомия ва нур терапиясини ўз ичига олган радикал даволаш тананинг антропометриясида сезиларли ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Бу ўзгаришларга кўкрак шакли ва ҳажмидаги бузилишлар, тана асимметрияси, шунингдек, қадди-қомат билан боғлиқ муаммолар кириши мумкин (Алексеева В.А, 2016; Баландина И.А, 2016). Ушбу соҳадаги илмий тадқиқотлар шуни тасдиқладики, радикал даволанишдан сўнг беморларда кўпинча уларнинг жисмоний ҳолати ва ҳаёт сифати таъсир қилиши мумкин бўлган антропометрик ўзгаришлар кузатилади. Бу ўзгаришлар сут безининг олиб ташланиши, чандиқларнинг пайдо бўлиши ва тана симметриясининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бундай ўзгаришлар функционал бузилишлар ва оғриқ синдромларига олиб келиши мумкин, бу эса ушбу муаммони ўрганишнинг муҳимлигини таъкидлайди (Блохин С.Н., 2018). Даволаш жисмоний тарбия (ДЖТ) радикал даволанишдан кейин аёлларда антропометрик бузилишларни тузатишнинг самарали усули сифатида ўзини кўрсатди. Клиник синовлар ва илмий ишлар шуни кўрсатдики, ДЖТ елка камари ҳаракатчанлигини тиклашга, қоматни яхшилашга ва оғриқ синдромини камайтиришга ёрдам беради. Замонавий тадқиқотлар, шунингдек, ДЖТ дастурларини ишлаб чиқишда индивидуал

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ёндашув зарурлигига эътибор қаратмоқда. Индивидуал дастурларда ҳар бир беморнинг ўзига хос антропометрик ўзгаришлари ва жисмоний ҳолати ҳисобга олинади, бу эса коррекция ва тикланишда энг яхши натижаларга эришишга ёрдам беради. ДЖТни индивидуал эҳтиёжларга мослаштириш антропометрик бузилишларни янада самарали енгиш ва беморларнинг жисмоний ҳолатини яхшилаш имконини беради (Поздняков А.М., 2017).

Ўзбекистонда кўкрак беши саратонини радикал даволашдан ва жисмоний терапия қўллангандан сўнг аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар кузатилгани бир қатор олимлар томонидан кўрсатилган (Л.Т.Алимходжаева, 2011; Д.М.Алмурадова, 2019; Д.Б.Юсупова, 2019; Л.Т.Закирова, 2020). Улар тадқиқотларида бўй, оғирлик, тана массаси индекси ва атроф ўлчамларида камайиш, асимметриялар рўй бериши ва жисмоний терапия орқали ушбу ўзгаришларни юмшатиш имкони борлигини таъкидлаган. Шу боис индивидуал ёндашувга асосланган реабилитация усуллари ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.2021.PhD.085 «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро воҳаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи-патологик ҳолатларни эрта аниқлаш, ташхислаш, янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўкрак беши саратонини радикал давосидан ва ДЖТ орқали тузатишдан сўнг аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрта ва кекса ёшдаги соғлом аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

мастэктомия амалиётидан олдин сут беши саратони ташхиси қўйилган ўрта ва кекса ёшдаги аёлларнинг тана антропометрик параметрларини аниқлаш;

сут беши саратони ташхиси қўйилган аёлларда мастэктомиядан кейинги турли даврларда тана антропометрик кўрсаткичларининг ўзгаришларини таҳлил қилиш;

мастэктомия кейин аёлларда даволаш жисмоний тарбия тузатиш дастурининг тана антропометрик кўрсаткичларига таъсирини баҳолаш;

сут беши саратони ташхиси қўйилган аёлларда мастэктомия олдин ва кейин, шунингдек даволовчи жисмоний тарбия курсидан сўнг рентгенологик маълумотлар асосида умуртқа поғонасининг бурчак хусусиятлари ўзгаришларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 30 нафар ўрта ва кекса ёшдаги соғлом аёллар, шунингдек, 120 нафар сут беши саратони билан операция қилинган тегишли ёшдаги аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предметини радикал мастэктомиядан олдин ва кейин аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кўкрак беи саратонини радикал давосидан ва ДЖТ орқали тузатишдан сўнг аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичларини баҳолаш учун антропометрик, морфометрик, рентгенологик ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

сут беи саратонини радикал даволашдан сўнг ўрта ва кекса ёшдаги аёлларда мастэктомиядан кейин беморлар танасидаги ўзгаришларни баҳолаш учун мўлжалларни белгилаш имконини берадиган тананинг антропометрик параметрлари аниқланган;

мастэктомия қилинган ўрта ва кекса ёшдаги аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичлари худди шу ёш гуруҳидаги соғлом аёллардан тана нисбати ва симметрия бўйича сезиларли даражада фарқ қилиши аниқланган;

кунига 10-15 дақиқа давомида даволовчи жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш мастэктомия қилинган аёлларда лимфостазнинг пасайишига сезиларли таъсир кўрсатиши, лимфа оқимини нормаллаштиришга ёрдам бериши, шишнинг сезиларли даражада пасайиши ва суюқлик айланишини яхшилаши туфайли асоратларнинг олдини олишда ва беморларнинг умумий аҳволини яхшилашда асосий роль ўйнаши аниқланган;

даволовчи жисмоний тарбия машғулотлари тананинг антропометрик кўрсаткичларида сезиларли яхшиланишга, жумладан, қоматни тўғрилаш ва тана симметриясини яхшилашга олиб келиши, ушбу ўзгаришлар жисмоний ҳолатдаги уйғунликни тиклашга, аёлларнинг фаоллик даражасини оширишга ва ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам бериши, бу эса муваффақиятли реабилитация ва тўлақонли ҳаётга қайтишнинг муҳим жиҳати эканлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

сут беи саратонини радикал даволаш ва даволовчи жисмоний тарбия (ДЖТ) ёрдамида коррекциялашдан сўнг аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичларини ўрганишнинг амалий натижалари клиник амалиёт ва реабилитация дастурларини ишлаб чиқиш учун муҳим аҳамияти аниқланган;

тадқиқот натижалари сут беи саратонини радикал даволашдан ўтган аёллар учун янада самарали ва шахсийлаштирилган реабилитация дастурларини ишлаб чиқиш имконини берган;

тананинг антропометрик параметрларини тиклаш, функционал имкониятларини яхшилаш ва ҳаёт сифатини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

олинган амалий натижалар ушбу соҳада кейинги тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилиши, шунингдек, реабилитация усулларини оптималлаштириш ва даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган тадқиқотларни ўз ичига олиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндашув ва амалий услублар, олиб борилган текширувларнинг услубий

жиҳатдан тўғрилиги, текширилган аёллар сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган антропометрик, морфометрик, рентгенологик ва статистик таҳлил усуллар ёрдамида кўкрак беши саратонини радикал даволасдан ва ДЖТ орқали тузатишдан сўнг аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичларини баҳолашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сут беши саратонини радикал даволашдан сўнг аёлларда тана антропометрик ўзгаришлари қонуниятлари ҳақидаги назарий маълумотлар даражасини тўлдириш ва бойитиш, онкологик даволаш натижасида юзага келадиган тана мутаносиблиги ва симметрияси ўзгаришларини аниқлаш, ДЖТнинг антропометрик кўрсаткичларни тикланишига таъсирини аниқлаш, кейинги тадқиқотлар истиқболи учун ДЖТ самарадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижалари жарроҳлик амалиётидан кейин аёлларнинг жисмоний кўрсаткичларини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам берадиган асосий омилларни аниқлаш имконини берганлиги, аниқланган антропометрик ўзгаришлар организмдаги бузилишларни коррекциялашга қаратилган индивидуал даволовчи жисмоний тарбия дастурларини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилганлиги, у беморларни реабилитация қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва онкологик реабилитацияда янги ёндашувларни шакллантириш учун асос бўлиши мумкин, бу эса комплекс терапия ва тикланиш самарадорлигини оширганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўкрак беши саратонини радикал даволашдан ва жисмоний терапия қўллангандан сўнг аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: сут беши саратонини радикал даволашдан сўнг ўрта ва кекса ёшдаги аёлларда мастэктомиядан кейин беморлар танасидаги ўзгаришларни баҳолаш учун мўлжалларни белгилаш имконини берадиган тананинг антропометрик параметрлари аниқланганлиги бўйича таклифлар Бухоро давлат тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 30 сентябрда 05-24/312-т-сон билан тасдиқланган «Сут беши саратонини радикал даволашдан сўнг аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичларини баҳолаш ва уларни даволаш жисмоний тарбия усули ёрдамида коррекциялаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали бўйича 20.10.2024 йилдаги 97-сон ҳамда Тошкент филиали бўйича 24.10.2024 йилдаги 140И/Ч-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 апрелдаги 07/113-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* мастэктомия кейинги аёлларни ташхислаш ва реабилитация қилиш усулларини ишлаб чиқиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, уларнинг ижтимоий

мослашуви ва даволанишдан сўнг фаол ҳаётга қайтишига имконини беради. *Иқтисодий самарадорлик:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган бюджет маблағларнинг 7,5 % мастэктомиядан кейинги аёллар ҳолатини баҳолашда антропометрик кўрсаткичлардан фойдаланиш реабилитациянинг индивидуал дастурларини ишлаб чиқиш орқали тикланиш вақтини қисқартириш, беморлар ҳаёт сифатини ошириш ва стационар даволаниш муддатини қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

иккинчи илмий янгилик: мастэктомия қилинган ўрта ва кекса ёшдаги аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичлари худди шу ёш гуруҳидаги соғлом аёллардан тана нисбати ва симметрия бўйича сезиларли даражада фарқ қилиши аниқланганлиги бўйича таклифлар Бухоро давлат тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 30 сентябрда 05-24/312-т-сон билан тасдиқланган « Сут беги саратонини радикал даволашдан сўнг аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичларини баҳолаш ва уларни даволаш жисмоний тарбия усули ёрдамида коррекциялаш » номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали бўйича 20.10.2024 йилдаги 97-сон ҳамда Тошкент филиали бўйича 24.10.2024 йилдаги 140И/Ч-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 апрелдаги 07/113-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* олинган маълумотлар беморларнинг клиник натижалари ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган индивидуал терапевтик ёндашувларни яратишга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлик:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган бюджет маблағларнинг 9,5 % мастэктомия кейинги антропометрик ўзгаришларни ўз вақтида ташхислаш беморларнинг тикланишини яхшилашга ва асоратлар хавфини камайтиришга ёрдам бериб, уларнинг умрини узайтириш ва шифохонада қолиш муддатини 2-3 кунга қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: кунига 10-15 дақиқа давомида даволовчи жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш мастэктомия қилинган аёлларда лимфостазнинг пасайишига сезиларли таъсир кўрсатиши, лимфа оқимини нормаллаштиришга ёрдам бериши, шишнинг сезиларли даражада пасайиши ва суюқлик айланишини яхшилаши туфайли асоратларнинг олдини олишда ва беморларнинг умумий аҳволини яхшилашда асосий роль ўйнаши аниқланганлиги бўйича таклифлар Бухоро давлат тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 30 сентябрда 05-24/312-т-сон билан тасдиқланган « Сут беги саратонини радикал даволашдан сўнг аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичларини баҳолаш ва уларни даволаш жисмоний тарбия усули ёрдамида коррекциялаш » номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали бўйича 20.10.2024 йилдаги 97-сон ҳамда Тошкент филиали бўйича 24.10.2024 йилдаги 140И/Ч-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 апрелдаги 07/113-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* мастэктомия кейин аёлларнинг ҳаёт сифатини

яхшилаш, уларнинг ижтимоий мослашувини тезлаштириш, фаоллиги ва мустақиллигини ошириш, шунингдек, ногиронлик хавфини ва узоқ муддатли тиббий кузатувга муҳтожликни камайтиришдан иборат. *Иқтисодий самарадорлик:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган бюджет маблағларнинг 9,5 % мастэктомия кейинги антропометрик ўзгаришларни ўз вақтида ташхислаш беморларнинг тикланишини яхшилашга ва асоратлар хавфини камайтиришга ёрдам бериб, уларнинг умрини узайтириш ва шифохонада қолиш муддатини 2-3 кунга қисқартириш натижасида иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: даволовчи жисмоний тарбия машғулоти тананинг антропометрик кўрсаткичларида сезиларли яхшиланишга, жумладан, қоматни тўғрилаш ва тана симметриясини яхшилашга олиб келиши, ушбу ўзгаришлар жисмоний ҳолатдаги уйғунликни тиклашга, аёлларнинг фаоллик даражасини оширишга ва ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам бериши, бу эса муваффақиятли реабилитация ва тўлақонли ҳаётга қайтишнинг муҳим жиҳати эканлиги аниқланганлиги бўйича таклифлар Бухоро давлат тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 30 сентябрда 05-24/312-т-сон билан тасдиқланган «Сут беги саратонини радикал даволашдан сўнг аёллар танасининг антропометрик кўрсаткичларини баҳолаш ва уларни даволаш жисмоний тарбия усули ёрдамида коррекциялаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали бўйича 20.10.2024 йилдаги 97-сон ҳамда Тошкент филиали бўйича 24.10.2024 йилдаги 140И/Ч-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 22 апрелдаги 07/113-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлик:* ушбу тадқиқот аниқроқ ва самарали даволаш усуллари орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради. Бу эса салбий таъсирларнинг камайишига ва руҳий ҳолатнинг яхшиланишига олиб келиши мумкин. *Иқтисодий самарадорлик:* мазкур касалликни стационар шароитида даволаш учун сарфланадиган бюджет маблағларнинг 16,5 % янги усулнинг жорий этилиши касалликни аниқроқ башорат қилиш ва беморларнинг айрим гуруҳлари учун самарасиз ёки кераксиз бўлиши мумкин бўлган ортиқча муолажалар ҳамда даволаш усуллар сонини қисқартириш орқали иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, шунингдек тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятини очиб берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Сут бези саратони радикал даволангандан кейин ўрта ва кекса ёшдаги аёлларда танада антропометрик ўзгаришлар (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида мастэктомиядан кейинги аёлларда тана антропометрик кўрсаткичларига замонавий қарашлар саломатлик ва ҳаёт сифатини баҳолаш учун уларни мониторинг қилиш муҳимлигини таъкидлайди. Тана вазни индекси (ТВИ), бел ва сон айланаси каби параметрлардаги ўзгаришлар жарроҳлик аралашуви ва реабилитация тадбирларининг таъсирини кўрсатиши мумкин. Мастэктомиядан кейин аёллар кўпинча жисмоний ҳолатдаги ўзгаришларга дуч келишади, бу эса реабилитацияга индивидуал ёндашувни талаб қилади. Жисмоний фаоллик ва психологик қўллаб-қувватлаш дастурлари аёлларга ўзгаришларга мослашиш ва ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам бериб, антропометрик кўрсаткичларни тиклашга ва умумий ҳолатни яхшилашга ёрдам беради.


Диссертациянинг «**Аёллар танасининг анатомик тавсифи бўйича тадқиқотлар дизайни, материали ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида диссертация ишини бажариш тадқиқотининг белгиланган мақсади ва далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига мувофиқ, биринчи босқичда тадқиқот объекти танланиб, илмий ишлар кўлами аниқланди. Тасодифий танлаш усули билан ўтказилган тадқиқотлар вакилликни таъминлаш мақсадида амалга оширилиб, таққосланаётган гуруҳлар ўртасидаги вакиллик фарқларини кафолатлади. Тадқиқот гуруҳларидаги беморларнинг ёш тақсимооти батафсилроқ таҳлил қилинганда қуйидаги маълумотларни ажратиш мумкин. Кузатув гуруҳида 35 ёшдан 59 ёшгача бўлган аёллар орасида 73 нафар иштирокчи кузатилган бўлса, назорат гуруҳида уларнинг сони 14 нафарни ташкил этди. 60-75 ёшда кузатув гуруҳида 46 нафар, назорат гуруҳида эса 16 нафар аёл бор. Тадқиқотдаги беморларнинг умумий сони кузатув гуруҳида 120 нафар ва назорат гуруҳида 30 нафарни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Тадқиқотни давом эттириш давомида аёлларнинг ёш даражалари ўрганилди.

Беморлар ёши	Кузатув гуруҳи	% (Кузатув гуруҳи)	Назорат гуруҳи	% (Назорат гуруҳи)
35-59 ёши	73	60,8%	14	46,6%
60-75 ёши	47	39,2%	16	36,6%
Умумий	120	100%	30	100%

Тадқиқотда иштирок этган 120 нафар аёлдан 54 нафари даволовчи жисмоний тарбия (ДЖТ) да иштирок этишдан бош тортган, 66 нафари эса ДЖТ дастурига киритишга розилик берган. Шундай қилиб, беморларнинг аксарияти мастэктомиядан кейин жисмоний фаолликни тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган реабилитация дастурида иштирок этишни танладилар.



1-расм ДЖТ да даволовчи жисмоний тарбия дастурида иштирок этиш бўйича аёлларнинг тақсимланиши

Умуртқа поғонасининг турли патологиялари ёки умуртқа поғонасида метастатик ўзгаришлар бўлган аёллар тадқиқот гуруҳларига киритилмади. Улар даволаш-профилактика тадбирларини ўтказиш ва кимёвий ва нур терапияси курсини давом эттириш учун тавсия этилди. Тадқиқот учун иштирокчиларни танлашда одамлар иштирокидаги тиббий тадқиқотлар учун белгиланган барча ахлоқий меъёрларга қатъий риоя қилинди. Ушбу меъёрлар Жаҳон тиббиёт ассоциациясининг 1964 йилда Хелсинкида бўлиб ўтган 18-Бош Ассамблеяда қабул қилинган ва 2008 йилда Сеулда янгиланган Хелсинки декларациясига асосланган. Олинган маълумотлар Statistica for Windows 98, Microsoft Word ва Microsoft Excel дастурлари ёрдамида қайта ишланди. Натижалар $M \pm m$ кўринишида ифодаланади, бу ерда M ўртача арифметик қийматни, m эса ўртача хатоликни билдиради. Фарқларнинг аҳамиятини текшириш учун t -мезон, фарқларнинг аҳамиятини баҳолаш учун эса Стюдент-Фишер жадвалидан фойдаланилди. Кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик корреляция коэффиценти ёрдамида таҳлил қилинди. Қиёсий таҳлил учун X^2 мезонидан фойдаланилди ва нисбий маълумотлар фоизларда тақдим этилди. Фарқлар $p < 0,05$ даражасида аҳамиятли деб ҳисобланди. Тадқиқотлар Л.А.Пономарева ва Б.М.Маматкулов (2004) ишларида кўрсатилганидек, далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига мувофиқ амалга оширилган.

Диссертациянинг «Мастэктомиядан олдин ва кейин ўрта ва кекса ёшдаги аёлларда тананинг морфометрик параметрларини баҳолаш» деб номланган учинчи боби сут беги саратони ташхиси қўйилган ўрта ва кекса ёшдаги аёлларда мастэктомиядан олдинги ва кейинги тананинг морфометрик параметрларини баҳолашга бағишланган. Ўтказилган таҳлиллар сут беги

саратони ташхиси қўйилган ўрта ва кекса ёшдаги аёлларда мастэктомия сўнг умуртқа поғонасининг умумий узунлиги, кўкрак қафасининг кенглиги ва айланаси, шунингдек, тана ва юқори қисмининг нисбати каби морфометрик кўрсаткичлар қандай ўзгаришини аниқлаш имконини беради.

Биринчи кичик бобда ўрта ва кекса ёшдаги соғлом аёллар танасининг морфометрик параметрлари тавсифланган. Соғлом аёлларда ёш ўтиши билан морфометрик кўрсаткичларнинг пасайиши аниқланди. Маълумотларимиз таҳлили шуни кўрсатдики, ўрта ёшли аёлларда бўй узунлиги ўртача $163,5 \pm 1,5$ см ни ташкил этган бўлса, кекса ёшли аёлларда ($158,0 \pm 1,8$ см) ўрта ёшли аёлларга нисбатан 3,36% га паст бўлган. Кўкрак қафаси айланаси ўрта ёшли аёлларда ўртача $95,2 \pm 0,7$ см, кексаларда ($90,5 \pm 0,8$ см) ўрта ёшли аёлларга нисбатан 4,94% га кам бўлган. Тана узунлиги ўрта ёшли аёлларда ўртача $47,7 \pm 0,8$ см, кексаларда ($43,5 \pm 1,0$ см) ўрта ёшли аёлларга нисбатан 8,81% га кам, умуртқа поғонаси узунлиги ўрта ёшли аёлларда $70,5 \pm 0,7$ см, кексаларда ($68,0 \pm 0,6$ см) ўрта ёшли аёлларга нисбатан 3,55% га кам бўлган.

Иккинчи кичик бобда кимёвий ва нур терапиясидан ўтган ўрта ва кекса ёшдаги сут беши саратони ташхиси қўйилган аёллар танасининг морфометрик параметрлари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ушбу аёлларнинг морфометрик кўрсаткичлари соғлом аёллардан фарқ қилади, бу даволанишнинг организмнинг суяк-мушак тузилишига таъсири билан боғлиқ.

Морфометрик параметрларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, кўкрак беши саратони билан касалланган ўрта ёшли аёлларда ўртача бўй $162,0 \pm 1,5$ см ни ташкил этди, бу назорат кўрсаткичларидан 1,5 см га ($163,5 \pm 1,0$ см) паст, кексаларда эса $157,5 \pm 1,8$ см ни ташкил этди, бу назорат гуруҳига ($158,0 \pm 1,8$ см) нисбатан 0,5 см га паст. Ўрта ёшдаги беморларда тана вазни $85,5 \pm 1,8$ кг ни ташкил этди, бу назорат кўрсаткичларидан 5,6% га юқори ($81,0 \pm 1,8$ кг), кексаларда эса $82,0 \pm 2,0$ кг ни ташкил этди, бу назорат кўрсаткичларидан 2,4% га паст ($84,0 \pm 2,0$ кг). Сут беши саратони билан оғриган ўрта ёшли аёлларда кўкрак қафаси айланаси $94,2 \pm 0,7$ см га етди, бу назорат кўрсаткичларидан ($90,5 \pm 0,8$ см) 4,1% га, кексаларда эса $95,2 \pm 0,7$ см га юқори бўлиб, назоратдан ($94,2 \pm 0,8$ см) 1,0 см га ошди. Ўрта ёшдаги аёлларда тана узунлиги $46,7 \pm 0,8$ см ни ташкил этди, бу назорат маълумотларидан 1,0 см га кам ($47,7 \pm 0,8$ см), кексаларда - $42,0 \pm 1,0$ см, бу назоратдан 3,4% га паст ($43,5 \pm 1,0$ см). Умуртқа поғонасининг узунлиги ўрта ёшли беморларда $70,2 \pm 1,0$ см га тенг бўлиб, назорат гуруҳига ($71,5 \pm 1,2$ см) нисбатан 1,3 см га, кекса ёшли беморларда $66,5 \pm 1,5$ см га тенг бўлиб, назорат гуруҳига ($68,0 \pm 1,5$ см) нисбатан 1,5 см га кам.

Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ёш ўтиши билан аёлларда морфометрик кўрсаткичлар пасаяди. Сут беши саратони ташхиси қўйилган ўрта ёшли аёлларда бўй ва тана узунлигининг камайиши, тана вазни ва кўкрак қафаси айланасининг ортиши кузатилади. Кекса аёлларда ҳам тана ўлчамларининг пасайиши қайд этилган, аммо баъзи параметрлар, масалан, кўкрак қафаси айланаси соғлом аёлларга қараганда юқори. Бу ўзгаришлар даволаш таъсири билан боғлиқ.

3.3-кичик бўлим сут беши саратони ташхиси қўйилган аёлларда даволаш жисмоний тарбияси қўлланилмаган ўрта ва кекса ёшдаги аёлларда мастэктомиядан кейинги узоқ муддатли даврда тананинг морфометрик

параметрларига бағишланган. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, аёлларда мастэктомиядан кейин морфометрик кўрсаткичларнинг сезиларли пасайиши кузатилди. Энг муҳим ўзгаришлар тана узунлиги ва тана вазнига тааллуқлидир. Шундай қилиб, ўрта ёшли аёлларда тана узунлиги дастлабки қийматлардан 12 ойдан кейин 2 см га, 24 ойдан кейин 3 см га ва 36 ойдан кейин 5 см га камайди (-11,1%); кексаларда пасайиш мос равишда 2 см, 3,4 см ва 5 см (-12,5%) ни ташкил этди. Тана вазни ўрта ёшда 12 ойдан кейин 1,8 кг га, 36 ойдан кейин 4 кг га (-4,8%), кексаларда 12 ойдан кейин 1,8 кг га, 36 ойдан кейин 4 кг га (-5,1%) камайди. Бундан ташқари, бўйнинг қонуний пасайиши аниқланди: ўрта ёшдаги аёлларда 36 ойда -3,0 см, кексаларда -2,6 см. Ўтирган ҳолда ўсиш худди шундай динамикани кўрсатди (мос равишда -3,9% ва -3,8%) (2-жадвал).

2-жадвал

Кўкрак беги саратони ташхиси билан 35-59 ёш ва 60-75 ёш гуруҳлари учун антропометрик маълумотлар мастэктомиядан 12, 24, 36 ойдан кейин

Параметрлар	Ўртача ёшдаги аёллар (35-59 ёш), 12 ой	Кекса ёшдаги аёллар (60-75 ёш), 12 ой	Ўртача ёшдаги аёллар (35-59 ёш), 24 ой	Кекса ёшдаги аёллар (60-75 ёш), 24 ой	Ўртача ёшдаги аёллар (35-59 ёш), 36 ой	Кекса ёшдаги аёллар (60-75 ёш), 36 ой
Бўй узунлиги (см)	161,0 ± 1,5 (p<0,05)	156,0 ± 1,8 (p<0,05)	159,6 ± 1,5 (p<0,05)	154,6 ± 1,8 (p<0,05)	158,0 ± 1,5 (p<0,05)	153,4 ± 1,8 (p<0,05)
Тана вазни (кг)	82,5 ± 1,8 (p<0,05)	78,8 ± 2,0 (p<0,05)	80,7 ± 1,8 (p<0,05)	77,0 ± 2,0 (p<0,05)	78,5 ± 1,8 (p<0,05)	74,8 ± 2,0 (p<0,05)
Тана массаси индекси (ИМТ) (кг/м ²)	23,8 ± 0,5 (p<0,05)	23,6 ± 0,6 (p<0,05)	22,4 ± 0,5 (p<0,05)	22,2 ± 0,6 (p<0,05)	22,4 ± 0,5 (p<0,05)	22,2 ± 0,6 (p<0,05)
Ўтираган ҳолда бўй (см)	80,5 ± 0,4 (p<0,05)	77,0 ± 0,5 (p<0,05)	78,6 ± 1,0 (p<0,05)	75,6 ± 1,0 (p<0,05)	77,0 ± 1,0 (p<0,05)	74,4 ± 1,0 (p<0,05)
Тана узунлиги (см)	45,7 ± 0,8 (p<0,05)	42,5 ± 1,0 (p<0,05)	44,3 ± 0,8 (p<0,05)	41,1 ± 1,0 (p<0,05)	42,7 ± 0,8 (p<0,05)	39,9 ± 1,0 (p<0,05)

* - кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга (p<0,05).

Антропометрик ўлчов натижаларига кўра, кекса ёшдаги аёлларда кўкрак қафаси айланасининг сезиларли даражада камайиши аниқланди. Тинч ҳолатда пасайиш 36 ойдан кейин 7,9 см ни ташкил этди (дастлабки маълумотларга нисбатан -9,0%). Чуқур нафас олганда камайиш 24 ойдан кейин 9,2 см (-10%) ва 36 ойдан кейин 8,0 см (-8,7%) га етди. Нафас чиқаришда қиёсий динамика аниқланди: 24 ойдан кейин 6,7 см га (-8,3%) ва 36 ойдан кейин 8,0 см га (-9,2%) камайди. Ўрта ёшдаги аёлларда ўзгаришлар камроқ ифодаланган: нафас олишда максимал пасайиш 36 ойдан кейин 2,7 см (-2,8%), нафас чиқаришда - худди шу даврда 4,0 см (-4,4%) ни ташкил этди. (3-жадвал).

Кўкрак беги саратони ташхиси кўйилган ўрта ва кекса ёшдаги аёлларда кўкрак қафаси айланаси параметрлари мастэктомиядан 12,24,36 ой кейин

Параметрлар	Ўртача ёшдаги аёллар (35-59 ёш), 12 ой	Кекса ёшдаги аёллар (60-75 ёш), 12 ой	Ўртача ёшдаги аёллар (35-59 ёш), 24 ой	Кекса ёшдаги аёллар (60-75 ёш), 24 ой	Ўртача ёшдаги аёллар (35-59 ёш), 36 ой	Кекса ёшдаги аёллар (60-75 ёш), 36 ой
Кўкрак қафасининг айлана ўлчами (см)	90,2 ± 0,7 (p<0,05)	88,2 ± 0,8 (p<0,05)	88,7 ± 0,7 (p<0,05)	81,6 ± 0,8 (p<0,05)	87,5 ± 0,7 (p<0,01)	80,3 ± 0,8 (p<0,01)
Кўкрак қафасининг нафас олишдаги айлана ўлчами (см)	95,5 ± 0,6 (p<0,05)	91,8 ± 0,7 (p<0,05)	94,0 ± 0,6 (p<0,05)	85,1 ± 0,7 (p<0,05)	92,8 ± 0,6 (p<0,01)	83,8 ± 0,7 (p<0,01)
Кўкрак қафасининг нафас чиқаришдаги айлана ўлчами (см)	90,5 ± 0,6 (p<0,05)	86,8 ± 0,7 (p<0,05)	89,0 ± 0,6 (p<0,05)	80,1 ± 0,7 (p<0,05)	86,5 ± 0,6 (p<0,01)	78,8 ± 0,7 (p<0,01)
Кўкрак қафасининг экспурсийаси (см)	4,1 ± 0,1 (p<0,05)	3,6 ± 0,1 (p<0,05)	4,1 ± 0,1 (p<0,05)	3,6 ± 0,1 (p<0,05)	4,0 ± 0,1 (p<0,01)	3,5 ± 0,1 (p<0,01)

* - кўрсаткичлардаги фарқлар статистик аҳамиятга эга (p<0,05).


Энг яққол морфометрик ўзгаришлар асосан умуртқа поғонасининг кўкрак ва бел қисмларида, шунингдек, унинг умумий узунлигида кузатилди: кекса аёлларда 36 ойдан сўнг умуртқа поғонасининг умумий узунлиги 62,4 ± 1,5 см гача қисқарди, бу бошланғич даражадан (65,0 см) 4,0% га камайишни кўрсатди, ўрта ёшли аёлларда эса бу ўзгариш унчалик сезиларли бўлмади. Бўйин қисмида ҳам анча қисқариш қайд этилди: ўрта ёшли аёлларда узунлик 8,3 ± 0,5 см гача камайди, бу 2,5% га (12,3 см дан), кексаларда эса 7,2 ± 0,6 см гача, яъни 3,1% га (10,3 см дан) қисқаришга тенг. Энг сезиларли ўзгаришлар кўкрак қисмида аниқланди: ўрта ёшли аёлларда 36 ойдан сўнг узунлик 24,7 ± 0,8 см ни ташкил этди, бу 10,8% га (27,7 см дан) камайишни, кексаларда эса 21,9 ± 0,9 см га, яъни 10,6% га (24,5 см дан) қисқаришни кўрсатди. Бел қисмида янада аниқроқ динамика кузатилди: ўрта ёшли аёлларда узунлик 14,5 ± 0,6 см гача қисқарди, бу 17,2% га (17,5 см дан), кексаларда эса 11,6 ± 0,7 см гача, яъни 18,5% га (14,2 см дан) камайишга тенг бўлди. Бу эса инволютив жараёнларнинг тобора кучайиб бораётганини ва уларнинг катта ёш гуруҳларида яққолроқ намоён бўлишини кўрсатади (4-жадвал).

**Сут беги саратони ташхиси билан умуртқа поғонасининг ёши бўйича
узунлиги сут беги саратони мастэктомия 12,24,36 ой кейин**

Параметрлар	Ўрта ёшдаги аёллар, 12 ой	Кекса ёшдаги аёллар, 12 ой	Ўрта ёшдаги аёллар, 24 ой	Кекса ёшдаги аёллар, 24 ой	Ўрта ёшдаги аёллар, 36 ой	Кекса ёшдаги аёллар, 36 ой
Умуртқа поғонасининг умумий узунлиги (см)	69,8 ± 1,2 (p<0,05)	65,0 ± 1,5 (p<0,05)	68,6 ± 1,2 (p<0,05)	63,6 ± 1,5 (p<0,05)	67,0 ± 1,2 (p<0,05)	62,4 ± 1,5 (p<0,05)
Бўйин қисми узунлиги (см)	12,3 ± 0,5 (p<0,05)	10,3 ± 0,6 (p<0,05)	11,3 ± 0,5 (p<0,05)	9,3 ± 0,6 (p<0,05)	8,3 ± 0,5 (p<0,05)	7,2 ± 0,6 (p<0,05)
Кўкрак қисмининг узунлиги (см)	27,7 ± 0,8 (p<0,05)	24,5 ± 0,9 (p<0,05)	26,3 ± 0,8 (p<0,05)	23,1 ± 0,9 (p<0,05)	24,7 ± 0,8 (p<0,05)	21,9 ± 0,9 (p<0,05)
Бел қисмининг узунлиги (см)	17,5 ± 0,6 (p<0,05)	14,2 ± 0,7 (p<0,05)	16,1 ± 0,6 (p<0,05)	12,8 ± 0,7 (p<0,05)	14,5 ± 0,6 (p<0,05)	11,6 ± 0,7 (p<0,05)
Думғаза бўлимининг узунлиги (см)	11,0 ± 0,4 (p<0,05)	10,0 ± 0,5 (p<0,05)	10,6 ± 0,4 (p<0,05)	9,6 ± 0,5 (p<0,05)	10,1 ± 0,4 (p<0,05)	9,1 ± 0,5 (p<0,05)

Диссертациянинг «Ўрта ва кекса ёшдаги аёлларда мастэктомиядан кейинги тана морфометрик ўзгаришларини коррекциялашда даволовчи жисмоний тарбиянинг роли» деб номланган тўртинчи бобда ўрта ва кекса ёшдаги аёлларда мастэктомиядан кейин танадаги морфометрик ўзгаришларни тузатишда даволаш жисмоний тарбиясининг таъсири кўриб чиқилган. Кичик бобда даволанган ва даволанмаган беморларда антропометрик кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили келтирилган. Сут беги саратони ташхиси қўйилган аёлларда операциядан кейинги 36 ой ичида жисмоний кўрсаткичларда сезиларли ўзгаришлар қайд этилди: 54 нафар бемор жисмоний машқлар билан шуғулланмаган, 66 нафари кунора 10-15 дақиқадан жисмоний машқлар бажарган.


Антропометрик ва функционал кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, даволаш жисмоний тарбияси қўлланилмаган аёлларда мастэктомиядан 36 ой ўтгач, асосий параметрларнинг сезиларли пасайиши қайд этилди: бўй (−2,3 см), тана вазни (−8,2%), тана узунлиги (−8,5%), кўкрак қафаси айланаси (−5,5%), ўпканинг ҳаётий ва мажбурий сифими (мос равишда −13,2% ва −14,9%), шунингдек, қафт ушлаш кучи (−15,3%). Шу билан бирга, даволовчи жисмоний тарбияни тизимли қўллаш ушбу ўзгаришларни сезиларли даражада камайтириш имконини берди, бўйнинг −2,4% гача, тана вазнининг −4,7% гача, тана узунлигининг −6,5% гача, кўкрак қафаси айланасининг −2,9% гача, ўпканинг тириклик сифимининг −6,1% гача, ўпканинг жадаллаштирилган сифимининг −6,4% гача ва қафт ушлаш кучининг −6,3% гача пасайишини чеклади (2-расм).



* - кўрсаткичлар фарқи статистик аҳамиятга эга ($p < 0,05$)

2-расм. Даволовчи жисмоний тарбия (ДЖТ) билан ва даволовчи жисмоний тарбиясиз (ДЖТ) 36 ойдан кейин ўрта ёшдаги одамларда жисмоний параметрларнинг ўзгариш динамикаси


Мастэктомиядан олдин тинч ҳолатда кўкрак қафаси айланаси $94,2 \pm 0,7$ см ($92,0-103,0$ см), операциядан 36 ой ўтгач - $85,5 \pm 0,7$ см ($85,3-96,3$ см; $-9,2\%$) ни ташкил этган бўлса, мунтазам қўлланилганда бу кўрсаткич $87,9 \pm 0,7$ см ($87,7-98,7$ см; $-1,4\%$). Мастэктомиядан олдин нафас олишда бу кўрсаткич $99,5 \pm 0,6$ см ($97,0-108,0$ см) ни ташкил этди, 36 ойдан кейин даволанишсиз - $89,8 \pm 0,6$ см ($90,3-101,3$ см; $-9,7\%$), жисмоний машқлар билан мунтазам шуғулланганда эса - $95,2 \pm 0,6$ см ($92,7-103,7$ см; $-5,9\%$). Нафас чиқаришда кўкрак қафаси айланаси операциядан олдин $94,5 \pm 0,6$ см ($92,0-103,0$ см), ЛФКсиз мастэктомиядан 36 ой ўтгач - $87,8 \pm 0,6$ см ($85,3-96,3$ см; $-7,1\%$), ЛФК қўлланилганда эса - $90,1 \pm 0,6$ см ($87,7-98,7$ см; $-1,8\%$) (3-расм).



* - кўрсаткичлар фарқи статистик аҳамиятга эга ($p < 0,05$)

3-расм. Ўрта ёшли аёлларда кўкрак қафаси ҳажмининг 36 ойдан кейинги ўзгаришлар динамикаси (ДЖТли ва ДЖТсиз)

